Ҳошимов Турғун — 256-Свердлов сайлов округидан депутат, республика яйловмелиоратив қурилиш бирлашмаси 480-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи

Хўжаев Муҳаммаджон Сулаймонович — 395-Тўқимачи сайлов округидан депутат, Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири.

Шарипова Зувайда Тошпўлатовна — 233-Шаҳрисабз шаҳар сайлов округидан депутат, Қашқадарё область Шаҳрисабз шаҳридаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикасининг тўқувчиси

Ширинқулов Тошпўлат Ширинқулович — 303-Қўшработ сайлов округидан депутат, Самарқанд архитектура-қурилиш институти кафедрасининг мудири

Эшназаров Ҳамза Исмоилович — 385-Наврўз сайлов округидан депутат, Сирдарё область Янгиер район халқ таълими бўлимининг мудири.

ҚУРИЛИШ, АРХИТЕКТУРА ВА УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ КОМИССИЯСИ

Комиссия раиси

Ҳабибуллаев Асқат Шарипович — 375-Октябрь сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими

Комиссия аъзолари

Абдуллаев Азиз Рефатович — 362-Жиззах сайлов округидан депутат, Жиззахдаги бинокорлик материаллари комбинатининг директори

Адаманов Осман Куртсеитович — 325-Жом сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг секретари

Азимов Исматулло Шукурович — 157-Ҳақиқат сайлов округидан депутат, «Ўзбекгаз» бошқармасининг бошлиғи

Алиқулов Абдумуталиб Маҳкамович — 66-Энергетика сайлов округидан депутат, Ангрен шаҳар ижроия комитети раиси

Акромов Файзулло — 247-Косонсой сайлов округидан депутат, Наманган область Косонсой шойи тўқиш фабрикасининг директори

Деҳқонов Болта — 198-Газли сайлов округидан депутат, Бухоро область Ромитан районидаги Октябрь 50 йиллиги номли совхознинг бригада бошлиғи

Мирзажонов Аъзамжон — 148-Дардақ сайлов округидан депутат, Андижон область Қўрғонтепа районидаги Навоий номли колхоз правлениесининг раиси

Нодиров Худойберган — 496-Шуманай сайлов округидан депутат, Қорақалпоғистон АССР Агросаноат комитети 3-трестининг 324-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннаси ғишт терувчилар бригадири

Нуриддинов Шавкат Сулаймонович — 97-Қатортол сайлов округидан депутат, Тошкент область Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг бригадири

Раҳматова Дилором Турғуновна — 262-Халқобод сайлов округидан депутат, Наманган область, Поп районидаги «Ленинград» совхозининг бригадири

Раҳмонов Мавлон Раҳимович, 199-Свердлов сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Бухоро область Свердлов район комитетининг биринчи секретари

Сигедин Виталий Николаевич — 64-Металлург сайлов округидан депутат, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори

Суяров Саттор — 320-Боғизагон сайлов округидан депутат, Самарқанд район ижроия комитети раисининг ўринбосари

Тожиев Абулқосим — 347-Москва сайлов округидан депутат, Сурхондарё область Жанубий Сурхон сув омбори қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи

Фармонов Александр Қосимович — 71-Фарҳод сайлов округидан депутат, Тошкент область Бекобод цемент комбинатининг директори

Эргашева Мунисхон — 160-Маданият сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Пахтаобод район комитетининг биринчи секретари

Йўлдошев Жуманиёз — 464-Хонқа сайлов округидан депутат, Хоразм область, Хонқа районидаги 288-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна бошлиғи

Юсупов Искандар — 468-Шовот сайлов округидан депутат, «Узагрострой» бирлашмасининг бошлиғи

Юсупов Олимжон — 447-Данғара сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Фарғона область Фрунзе район комитетининг биринчи секретари

Қодирова Тўлқиной Фозилжоновна — 18-Луначарское сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси правлениесининг раиси

Ғаниев Мустафоқул Воҳидович — 285-Сиёб сайлов округидан депутат, Самарқанд шаҳар ижроия комитети раиси

Ғуломмаҳмудов Абдували Ғуломович — 9-Ойбек сайлов округидан депутат, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Ҳамидов Толиб Қаҳҳорович — 279-Боғишамол сайлов округидан депутат, Самарқанд шаҳар «Промстрой» трестининг бошқарувчиси

Ҳотамов Холдор — 431-Учкўприк сайлов округидан депутат, Фарғона область Ленинград районидаги 96-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна бригадири

Ҳотамов Тоҳирбой — 128-Озод сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Андижон шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Хидиров Темир Пўлатович — 230-Ленинград сайлов округидан депутат, Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси

Ҳусанбоев Бахтиёр Давлатович — 390-Маданият сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область, Гулистон шаҳар комитетининг биринчи секретари.

ЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ КОМИССИЯСИ

Комиссия раиси

Жалилов Абдулаҳат Туропович — 29-Октябрь сайлов округидан депутат, Тошкент политехника институтининг ректори

Комиссия аъзолари

Абдуллаев Наби — 266-Ўнҳаёт сайлов округидан депутат, Наманган область Уйчи район Ленин номли колхоз правлениесининг раиси

Абдулҳамидов Алимардон — 397-Октябрь сайлов округидан депутат, Фарғона педагогика институтининг ректори

Алимов Абдуғафур Абдуллаевич — 381-Димитрий сайлов округидан депутат, Сирдарё область Боёвут район «Боёвут» совхози партия комитетининг секретари

Афанасьев Петр Степанович — 74-Пролетар сайлов округидан депутат, Тошкент область Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг бош метрологи

Бобожонов Тошпўлат Лепесович — 103-Қибрай сайлов округидан депутат, «Ўзбекгеофизика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Данченко Юрий Васильевич — 399-Саноат сайлов округидан депутат, «Ферганаоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Жоннбеков Владимир Александрович — 17-Куйбишев сайлов округидан депутат, Москва шаҳридаги Ю. А. Гагарин номли фазогирлар тайёрлаш Маркази бошқармасининг бошлиғи

Зайниддинов Азим — 237-Мираки сайлов округидан депутат, Қашқадарё область Шаҳрисабз шаҳридаги «Хисоракгидрострой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи

Ембергенов Ордабой — 484-Мўйноқ сайлов округидан депутат, Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Ленин хотираси» номли колхоз балиқчиси

Ешчанов Турсунбой Бойжонович — 473-Калинин сайлов округидан депутат, Қорақалпоғистон АССР соғлиқни сақлаш министри

Исломов Мирзажон Йўлдошевич — 419-Сурхонтепа сайлов округидан депутат, Фарғона область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари

Криворучко Виктор Иванович — 277-Университет сайлов округидан депутат, Самарқанд медицина институтининг кафедра мудири

Мирзаев Саидраҳмон Шоабдиевич — 6-Оқтепа сайлов округидан депутат, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кафедра мудири-декани

Муродуллаев Муҳаммад — 359-Шарғун сайлов округидан депутат, Сурхондарё область Шарғун шаҳар ижроия комитетининг раиси

Нишонов Ҳабибулло Ҳамидович — 254-Қўқимбой сайлов округидан депутат, Наманган область Косонсой районидаги «Бухоро» совхозининг бригадири

Сафарова Санобар Расуловна — 209-Ғузор сайлов округидан депутат, Қашқадарё область Ғузор район марказий касалхонасининг бош врачи

Тиллабоев Алишер Абдусаматович — 142-Пайтуғ сайлов округидан депутат, Андижон область Избоскан районидаги Партия XX съезди номли колхоз правлениесининг раиси

Турдиқулов Абдуллажон — 373-Бўстон сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Жиззах область Зарбдор район комитетининг биринчи секретари

Турдиқулов Содиқжон — 173-Когон шаҳар сайлов округидан депутат, Ўрта Осиё темир йўли Бухоро бўлинмасининг бошлиғи

Тўйчиев Қўчқор — 220-Бойқунди сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область Косон район комитетининг биринчи секретари

Ҳалимбетов Қозоқ — 472-Янгибозор сайлов округидан депутат, Хоразм область ижроия комитетининг раиси

Эгамбердиев Маматкарим Ашурович — 253-Гулбоғ сайлов округидан депутат, Наманган область Задарё районидаги «Украина» совхозининг директори

Йўлчиев Акбарали — 88-Искандар сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область Бўстонлиқ район комитетининг биринчи секретари

Юсупалиев Сотиболди — 68-Юбилей сайлов округидан депутат, Тошкент область Ангрен шаҳридаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқаришининг бошлиғи

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШЛАРИ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОМИССИЯСИ

Комиссия раиси

Усмонова Ҳалима Мелиқўзиевна — 33-Бобир сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳар Октябрь район ижрокомининг раиси

Комиссия аъзолари

Йўлдошев Баҳодир Усмонович — 138-Бўз сайлов округидан депутат, Андижон область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири

Знёева Сожида Абдуллаевна — 32-Навоий сайлов округидан депутат, Тошкент чарм ва мўйна буюмлари заводининг бичиқчиси

Камолов Шаробиддин — 156-Холдевонбек сайлов округидан депутат, Андижон область Москва район Марказий касалхонаси бош врачининг ўринбосари

Маматов Фарҳод — 2-Фурманов сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳар ижрокоми Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси 243-автобазасининг ҳайдовчиси

Менглиев Тилло — 334-Сайроб сайлов округидан депутат, Сурхондарё область ижрокомининг раиси

Мирзаева Фотима Нуруллаевна — 380-Боёвут сайлов округидан депутат, Сирдарё область Боёвут районидаги А. И. Руцкий номли совхоз бригадири

Нарзиев Шавкат — 171-Ғиждувон сайлов округидан депутат, Бухоро области, Ғиждувон район марказий касалхонасининг бош врачи.

Насимов Раҳимжон Маҳмудович — 281-Акмал Икромов сайлов округидан депутат, «Самоблагрострой» 1-бирлашмасининг бошлиғи

Низомиддинов Ҳабибулло Зайнобиддинович — 408-Маориф сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Марғилон шаҳар комитетининг биринчи секретари, Фарғона области

Норбоева Шарофат Маматқуловна — 324-Ангор сайлов округидан депутат, Сурхондарё область Ангор районидаги К. Маркс номли колхоз болалар боғчасининг мудири.

Очилова Мукаррам Аъловна — 11-Шодлик сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг контролёр-бригада бошлиғи

Ражапова Патима — 490-Бўстон сайлов округидан депутат, Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа район марказий касалхонасининг кардиолог варчи

Ризаев Қулаҳмад Тошпўлатович — 31-Ўзбекистон сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари

Сандов Муродилло — 228-Усмон Юсупов сайлов округидан депутат, Қашқадарё область Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхоз директори

Салимов Мамаюсуф Раҳмонқулович — 291-Булунғур сайлов округидан депутат, Самарқанд область Булунғур район медицина бирлашмасининг бош врачи

Сотволдиев Абдуманноб Маматҳалилович — 413-Қува сайлов округидан депутат, Фарғона область Қува район марказий касалхонаси бош врачининг ўринбосари

Тешабоева Эътибор Раҳмитдиновна — 415-Карл Маркс сайлов округидан депутат, Фарғона область Қува районидаги «Ўзбекистон» колхозининг сут соғувчиси

Фузайлов Фарҳод Зиёдуллаевич — 19-Високовольтний сайлов округидан депутат, округ ҳарбий госпитали бўлимининг бошлиғи

Хиббимов Болта Хиббимович — 295-Иштихон сайлов округидан депутат, Самарқанд область Иштихон районидаги «Оналик ва болалик» колхозлараро санаторий-профилакторий бош врачи

Хлебушкина Антонина Павловна — 56-Дўстлик сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг директори

Худойбердиева Ҳалима Умматқуловна — 95-Димитров сайлов округидан депутат, «Саодат» журналининг бош муҳаррири

Эржонов Отажон — 470-Янгиариқ сайлов округидан депутат, Хоразм область Янгиариқ район марказий касалхонаси бош врачининг ўринбосари

Қодиров Бахтиёр Асадуллаевич — 45-Фрунзе сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги педиатрия илмий-тадқиқот институти бўлимининг раҳбари

ВЕТЕРАНЛАР ВА НОГИРОНЛАР ИШЛАРИ КОМИССИЯСИ

Комиссия раиси

Абдуллаев Раҳматулла Ҳамидуллаевич — 376-Пахтакор сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия назорати комиссиясининг раиси.

Комиссия аъзолари

Абдуллаев Усмон — 62-Мевазор сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳридаги 131-мактаб ўқитувчиси

Аслонов Ғани Ғафурович — 197-Ромитан сайлов округидан депутат, Бухоро область Ромитан район марказий касалхонаси хирургия бўлимининг мудири

Бекнозов Жўра Назарович — 341-Навоий сайлов округидан депутат, Сурхондарё область Ангор районидаги Куйбишев номли колхоз механизатори

Бойчаев Абдуллажон Боязович — 275-Янгиқўрғон сайлов округидан депутат, Наманган область Тўрақўрғон трактор ремонт заводи Янгиқўрғон филиалининг директори

Каримова Турсуной Раҳматуллаевна — 130-Олтинкўл сайлов округидан депутат, Андижон область Ўруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси

Крушельницкий Виктор Александрович — 59-Қатортол сайлов округидан депутат, «Ташстройтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-автомобиль корхонасининг ҳайдовчиси.

Кунназаров Ўринбой — 476-Пристан сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Нукус шаҳар комитетининг биринчи секретари

Мамадалиев Мухибилло — 439-Қудаш сайлов округидан депутат, Фарғона область Ўзбекистон районидаги Яккатут участка касалхонаси бўлимининг мудири

Мансуров Ҳасан Мансурович — 125-Киров сайлов округидан депутат, Андижон йигирув-тўқув фабрикасининг директори

Мўқимов Али — 219-Пўлоти сайлов округидан депутат, Қашқадарё область Косон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг бригадири

Ражабова Раҳима — 448-Ёзёвон сайлов округидан депутат, Фарғона область Ёзёвон районидаги «Москва» колхозининг раиси.

Тоиров Қаландар — 388-Фарҳод сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Умумий бўлимининг мудири.

Тошпўлатов Сайфиддин — 271-Алихон сайлов округидан депутат, Наманган область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область агросаноат уюшмасининг раиси

Ҳалимов Холиқ — 330-Хатирчи сайлов округидан депутат, Самарқанд область Хатирчи районидаги В. П. Чкалов номли колхоз правлениесининг раиси

ЕШЛАР ИШЛАРИ КОМИССИЯСИ

Комиссия раиси

Аъзамхўжаев Алишер Анварович — 39-Янгитурмуш сайлов округидан депутат, «Миконд» заводи парткомининг секретари

Комиссия аъзолари

Бозорбоев Жуманазар — 486-Қораўзак сайлов округидан депутат, Қорақалпоғистон АССР халқ таълими министри

Бибиков Игорь Анатольевич — 121-Темирйўл сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари

Горностаев Александр Васильевич — 176-Навоий сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Навоий шаҳар комитетининг биринчи секретари, Бухоро области

Жўраев Шермат — 127-Бобур сайлов округидан депутат, М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон давлат филармониясининг вокалчи-солисти

Зоҳидов Марат Тешаевич — 38-Университет сайлов округидан депутат, В. И. Ленин номидаги ТошДУ катта муаллими

Иброҳимов Юсуфжон Маматожиевич — 417-Олтиариқ сайлов округидан депутат, Фарғона область Олтиариқ район ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг директори

Исломбоев Воҳид Ғафурович — 54-Охунбобоев сайлов округидан депутат, Тошкент 1-уйсозлик комбинати 1-пардозлаш ишлари бошқармаси пардозчилар бригадасининг бошлиғи

Каримов Эркин Сайфиевич — 60-Гулистон сайлов округидан депутат, Тошкент «Алгоритм» заводи радиоаппаратларининг созловчиси.

Мавлонқулов Алимқул Тўрақулович — 403-Ленин сайлов округидан депутат, Фарғона область Қўқон нон комбинатининг директори

Махматмуродов Ўлмас — 326-Ургут сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Ургут район комитетининг биринчи секретари, Самарқанд области

Маҳмудов Владимир Носирович — 364-Арнасой сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссари

Ораэбоева Гулнигор Ўтемуратовна — 493-Октябрь сайлов округидан депутат, Қорақалпоғистон АССР Хўжайли йигирув-тўқув фабрикасининг ип ўровчиси

Раҳимов Бегижон — 137-Эски Ҳаққулобод сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Балиқчи район комитетининг биринчи секретари, Андижон области

Раҳмонов Равшан — 175-Саноат сайлов округидан депутат, Тошкент Давлат педагогика институти Навоий филиалининг директори

Рейимбоева Рўзигул Отахоновна — 480-Октябрь сайлов округидан депутат, Қорақалпоғистон АССР Беруний районидаги «Правда» колхозининг аъзоси

Усмонов Сонб — 210-Киров сайлов округидан депутат, Қашқадарё область Ўруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси

Фозилов Гуломжон — 435-Сўх сайлов округидан депутат, Фарғона область ижроия комитетининг раиси

Ҳусинов Тожибой Жаббиевич — 457-Қўшкўпир сайлов округидан депутат, Хоразм область Қўшкўпир районидаги «Москва» колхозининг бригадири

Шерматов Муроджон Имяминович — 147-Ильичовск сайлов округидан депутат, Андижон область Ильичевск шаҳар ижроия комитетининг раиси

Қамбаров Камолиддин Мамашарипович — 265-Уйчи сайлов округидан депутат, Наманган область Уйчи районидаги «Уйчи» колхози комсомол комитетининг секретари

Қодиров Усмон — 354-Пистамозор сайлов округидан депутат, Сурхондарё область Денов район ижроия комитетининг раиси.

ОШКОРАЛИК МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИ

Комиссия раиси

Воҳидов Эркин — 418-Ғайрат сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ССР халқ шоири

Комиссия аъзолари

Абдуллаев Рустам Худойберганович — 409-Марғилон сайлов округидан депутат, Фарғона область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи

Алиев Эшқул Тўрабоевич — 348-Қумқўрғон сайлов округидан депутат, Сурхондарё область Қумқўрғон район ижрокоми раисининг ўринбосари

Бекмуродов Тоир Тўхтамуродович — 299-Комбинат сайлов округидан депутат, Самарқанд область Каттақўрғон ёг-мой комбинатининг электр пайвандчиси

Болтаев Тошпўлат — 194-Навбаҳор сайлов округидан депутат, Бухоро область Навбаҳор районидаги «Гигант» совхозининг бош агрономи

Знётов Парда — 369-Охунбобоев сайлов округидан депутат, Жизах районидаги «Москва» колхозининг бригадири

Иброҳимова Зулфия — 465-Калинин сайлов округидан депутат, Хоразм область Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири

Исмоилов Олимжон — 58-Дўмбробод сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг биринчи секретари, Тошкент шаҳри

Кўчимов Абдусаид — 329-Қоратепа сайлов округидан депутат, «Ленин учқуни» газетасининг муҳаррири

Маматов Жаҳонгир — 293-Жомбой сайлов округидан депутат, «Совет Ўзбекистони» газетасининг Самарқанд области бўйича мухбири

Мирзаев Турсунбой Раҳимович — 139-Охунбобоев сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ССР Прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

Носиров Азиз — 272-Олмос сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари

Олимов Ўктам Зокирович — 371-Дўстлик сайлов округидан депутат, Жиззах область ижроия комитетининг раиси

Саденов Қувондиқ — 492-Тахиатош сайлов округидан депутат, қурилиш конструкциялари ва уйсозлик заводи слесарларининг бригадири, Тахиатош шаҳри, Қорақалпоғистон АССР

Саноев Исмат Саноевич — 317-Пахтакор сайлов округидан депутат, шоир, Самарқанд область Пахтачи области

Сотволдиев Қаҳрамон Солиевич — 436-Тошлоқ сайлов округидан депутат, Фарғона область Тошлоқ район прокурори

Солуянов Александр Петрович — 398-Фрунзе сайлов округидан депутат, ҳарбий хизматчи, Фарғона шаҳри

Султонов Раҳимжон Аҳмедович — 323-Даштакиболо сайлов округидан депутат, Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг Москва шаҳридаги ўз мухбири

Тошқулов Анвар Истатович — 218-Косон сайлов округидан депутат, Косон 21-автобус-таксомотор паркининг директори, Қашқадарё области

Тўлаганова Тонба Маҳкамовна — 5-Назарбек сайлов округидан депутат, Тошкент политехника институтининг катта ўқитувчиси

Қаландаров Абдухалил Абдураҳмонович — 414-Намуна сайлов округидан депутат, Фарғона область Қува районидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси

Ҳамидов Жаҳонгир Ҳакимович — 474-Ленин сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

СССР Министрлар Советининг қарори

1990 йил 29 март № 305 **Москва, Кремль**

БЕЛГИЛАНГАН ҲАҚИҚИЙ ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ, ЧЕГАРА, ИЧКИ ВА ТЕМИР ЙЎЛ ҚЎШИНЛАРИ САФЛАРИДАН БЎШАТИШ ВА 1990 ЙИЛНИНГ АПРЕЛЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунини бажариш юзасидан **қарор қилади:**

1. Белгиланган ҳақиқий хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар 1990 йилнинг апрель-июнь ойларида СССР Қуролли Кучлари, чегара, ички ва темир йўл қўшинлари сафларидан запасга бўшатилсин.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан 1990 йилнинг апрель-июнь ойларида чақириқ кунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак гражданлар, шунингдек чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқини йўқотган катта ёшдаги гражданлар СССР Қуролли Кучлари, чегара, ички ва ҳарбий қўшинларга белгиланган муддатга ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. РИЖКОВ.

СССР Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг бошлиғи
М. ШКАБАРДНЯ.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

**Демократия, ошкоралик ривожланиб борган сари журналистлар бир муаммо: бу шароитларда уларнинг ижтимоий, ҳу

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари—«Совет Ўзбекистони» меҳмони

ҲАР ҚАДАМДА МУАММО

С. СОДИҚОВ,
Балиқчи районидаги
39-мактаб
ўқитувчиси

Янги сайланган жумҳуриятимиз халқ депутатларининг фаоллигини таъкидлаш керак. Сўзлаш учун ҳам, савол бериш учун ҳам навбат кутишга тўғри келяпти. Ҳаммасининг кўнглида нияти, мақсади бор. Энг муҳими дарров қўл кўтариб якдил овоз бериш учун келганлар жуда кам.

Республикамиз Министрлар Кенгаши Раисини муқобил номзод кўрсатиш йўли билан сайладик. Министрларга халқ депутатларининг чинакам имтиҳонидан ўтишга тўғри келди. Бир сўз билан айтганда сессия ошкора, демократик тарзда ўтмоқда.

Қишлоқ кишисиман. Гарчанд нотиқлар кўнглимиздаги безовталикларни кеткazадиган гапларни кўп айтишаётган бўлсада, ҳали ҳаётимизда камчилик ва нуқсонлар кўп. Ҳар қадамингизда муаммо. Олайлик мен ишлаётган мактабда синф хоналари етишмайди. Қўшни мактабларда ҳам аҳвол шу. Болаларни дарсдан кейин олиб қолиб шуғулланиш учун имконият кам. Учта мактаб авария ҳолатида. Дарсликлар етишмайди. Буни ҳамма билади. Аммо ҳозирча чораси кўрилмаяпти.

Бир масалага алоҳида тўхталишни истардим. Районларнинг ҳам, хўжаликларнинг ҳам иқтисодий аҳволи турлича. Энг зарур қурилишларни амалга ошириш учун кимда имконият бору кимда йўқ. Чиқадиган хулоса маълум. Энг зарур қурилишларни амалга ошириш учун давлат ҳисобидан маблағ сарфлаш йўлга қўйилмаса ишни ўнглаб бўлмайди. Қолаверса, сессияда қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлашда матбуот, радио ва телевидение фаол иш олиб бориши керак деб ҳисоблайман.

АМАЛИЙ ИШ КАМ

У. ЕМБЕРГЕНОВ,
Мўйноқ районидаги
«Память Ленина»
колхози аъзоси

Кейинги пайтда яхшилик сари ўзгаришлар бўлаётганини таъкидлагим келади. Республика Компартиясининг ҳаракат дастурида белгиланган қатор масалалар ижросини топмоқда. Мактабларнинг қуйи синфлари ўқувчиларига кўрсатилаётган меҳрибонлик, кўп болали ва ҳомиладор аёлларга қилинаётган меҳр-мурувватдан ҳамма хурсанд. Ҳукуматимизнинг сессияда баён этилган программасида ҳам корхоналарга эмас, одамларга катта эътибор берилган.

(Давоми. Бошқ биринчи бетда).

Сессияда депутатлар эзгулик йўлида қўйилган қадамларни маъқуллаш билан бирга меҳнат аҳлининг турмушини янада яхшилаш ҳақида қимматли мулоҳазалар айтмоқдалар. Жумҳуриятимизнинг янги ҳукуматидан барча муаммоларни бирваракайига, қисқа муддатда ҳал этишни талаб этиш тўғри бўлмас. Аммо шундай масалалар борки, уни ечиш учун шошиш керак. Орол денгизида сувнинг камайиб бораётганлиги туфайли биз яшаб турган Мўйноқ районида экологик аҳвол оғирлашиб бормоқда. Орол сувининг қирғоқдан қочиши билан денгиз ўзанидан қум-туз кўчиб экин майдонларини қоплаб боряпти. Ичимлик суви таъминоти масаласи ҳамон муаммолигича турибди. Бу нарса кишиларнинг саломатлигига таъсир этмоқда. Ўтказилган текширишлар бизнинг округимизда ич касалликлари билан оғриш йил сайин кўпайиб бораётганлигини кўрсатди.

Орол фожиаси ҳақида ғам-андуқ билан гапирмаган киши йўқ. Бу ҳақда турли комиссиялар тузилди, ҳар хил программалар ишлаб чиқилмоқда. Аммо ачинарлиси шундаки, бу ишларнинг самараси ниҳоятда кам. Округимиз сайловчиларини бу нарса қаттиқ безовта қиляпти. Орол масаласида эндиликда амалий ишларга зўр бериш керак. Бусиз мумкин эмас.

ГАП ИЖРОДА ҚОЛГАН

И. БУРХОНОВ,
Ленин районидаги
Энгельс номли
колхоз бригадири

Ушбу сессияда қатнашиб мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни ташкил этиш йўлида қадам қўйилаётганига яна бир ишондим. Йиғин ошкора, қизғин мунозаралар билан ўтмоқда. Республикамиз тақдирини ҳал қилувчи лавозимлар эгалари муҳокама этилгани айни муддао бўлди.

Андижон областидаги учрашувларда бизга жуда кўп наказ ва илтимослар айтилди. Унинг аксарияти халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, ободонлаштиришга тааллуқлидир. Сессияда республикамиз Президенти ҳамда Министрлар Кенгашининг Раиси сўзларини эшитгач, бироз енгил тортгандек бўлдик. Ана шу чиқишларда биз бажаришимиз лозим бўлган жуда кўп ишлар қамраб олинган. Келгуси беш йилликда қишлоқ аҳолисининг газ ва сув таъминотини яхшилашда катта қадам қўйилади. Зотан, шундай колхозимиз ёнгинасидан газ қувурлари бошқа республикаларга ўтиб кетган. Аммо ундан ўзимиз баҳраманд эмасмиз Округимиз территориясида поликлиникалар, касалхоналар етишмаслиги ҳақида гапирмай қўяқолай. Болалар мактабларда фақат икки сменада ўқишяпти. Ҳамон водопровод қурилмаган маҳаллалар бор. Ёшлар учун спорт билан шуғулланадиган жой ажратиб бериляпти-ю, спорт инвентарларига эҳтиёж катта.

Қисқа қилиб айтсак, сайловчиларимизнинг дарди ташвиши кўп. Уни бажариш учун республика ҳукумати ҳам, биз, депутатлар ҳам бир ёқадан бош чиқариб курашишимиз керак. Ҳамкорлик қилгандагина кутилган натижаларга эришишимиз мумкин.

• Меҳр-шафқат

САХОВАТ ВА ҲИММАТ

БУХОРОДА ХАЙРИЯ РАДИОМАРАФОНИ ЎТКАЗИЛДИ

Унинг ташаббускори Бухоро шаҳар Қизил ярим ой жамияти бўлди. Тадбирни мазмунли ўтказишда Абу Али ибн Сино номли маданият саройи бадиий ҳаваскорлик коллективлари намунали хизмат кўрсатишди. Спонсор-хомийликни Бухоро ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитети ўз зиммасига олди.

Областдаги кўпгина меҳнат коллективлари радиомарафон муносабати билан хайрия мақсадларига катта маблағ ажратишди.

Биз радиомарафон ташкилотчиларидан бири Бухоро шаҳар Қизил ярим ой жамияти раиси С. Носировадан бу маблағ қайси мақсадларга сарфланишини сўрадик.

— Радио-марафондан тушган маблағ, — деди у, — кўпгина тиғиз социал муаммоларни ҳал қилишга сафарбар этилади. Чунончи, болалар уйларида тарбияланган студентларга ҳар ойда қўшимча 30 сўмдан стипендия тўланади. Область марказидаги 4-болалар уйига ва касалманд болалар санаторийсига рангли телевизор харид қилиб бердик. Ғиждувондаги 322-етим болалар интернати ҳисобига 10 минг сўм ўтказдик...

Бундай хайрли тадбирларни мунтазам ўтказиб туришга қарор қилинди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Кулинг, дўстлар, умрингиз узаяди

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ

„ГАЖИДИНГ“

(ИНТЕРМЕДИЯ)

Ошхона. Столлардан бирига қора кўзойнак таққан хўранда келиб ўтиради. Кўп ўтмай унга официант аёл яқинлашади.

Официант аёл. Келинг, нима ейсиз? Кабоб билан чўзма лағмон бор.

Хўранда. Директор-чи?

Официант аёл. Борлар. Нимайди? Кўнглингиз тўлмаган жойи бўлса, айтаверинг, ўзимиз муҳайё қилиб берамиз.

Хўранда. Менга директор керак.

Официант аёл. Одамларга ҳам ҳайронман, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, дарров директорни сўрашади.

Официант аёл узоқлашади.

Хўранда қора кўзойнагини ечмай қўлидаги газетага тикилади. Оёқ учида юриб директор пайдо бўлади.

Директор. (мулойим) Биродар, директорни сўраттирган экансиз.

Хўранда. (газетадан бошини кўтармай) Ўтир, пўкалак.

Директор лол бўлиб қолади.

Директор. Кечирасиз, малол келмаса, сизлаб гаплашишингизни сўрардим.

Хўранда кўзойнагини ечади.

Хўранда. Нега энди сени сизлар эканман, пўкалак.

Директор оғайнисини энди танийди, қучоқ очиб кўришади.

Директор. Э, сенмисан, Орифжон. Ҳеч ташламадингда совуқ ҳазилларингни. Соғсаломатмисан, уй ичиларинг, ишларинг?

Хўранда. Раҳмат, ўзинг қалайсан?

Директор. Юрибмиз, оғайни, бизни ишни биласан, турган битгани ғалва... Ҳой, Танзилла, бизни яхшилаб меҳмон қиласан, қадрдон оғайни келди.

Официант аёл пайдо бўлади.

Официант аёл. Ҳозир-да.

Хўранда. Ҳеч нарса керак эмас дедим-ку. Бир пиёла чой бўлса майли, ичайлик.

Официант аёл. Хўб бўлади. (Узоқлашади)..

Директор. Заб келибсан-да, оғайни. Газатада мақолаларингни ўқиб тураман. Аммо боплайсан. Таниш-билишларга зўр журналист оғайним бор, деб мақтаниб юраман. Нечук, қайси шамол учирди?

Хўранда. Ошхонангнинг тепасидаги ёзувни кўриб кирдим.

Директор. Тушунмадим.

Хўранда. Боя мақолаларингни ўқиб тураман, дединг. Тил ҳақидаги Қонунни ҳам ўқидингми?

Директор. Ия, нега ўқимас эканман, жуда бизни унақа гўлоҳга чиқариб қўйма. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганини етти яшардан етмиш яшаргача билади. Бағримизга шамол тегиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Хўранда. Хўш, Қонун-ку қабул қилинибди, уни ким ҳаётга татбиқ этиши керак?

Директор. Ҳукумат.

Хўранда. Сен-чи?

Директор. Менми? Мени қўлимдан нима келарди, оғайнижон.

Хўранда. Келади. Ҳаммаининг қўлидан келади. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, шу ишга киришсагина тилимизга амалда давлат мавқеи бериш мумкин. Тушундингми?

Ҳамма...

Директор. Мен ўзимни олиб қочаётганим йўқ.

Хўранда. Хўш, бўлмаса айтчи, тилни жорий қилиш учун нима қилдинг?

Директор. Бизнинг ошхонада нима ҳам қилардик? Кабоб билан лағмонни пиширишга тилнинг дахли йўқ.

Хўранда. Ошхонангнинг тепасига нима деб ёзиб қўйилган?

Директор. Нима деб ёзиб қўйилибди?

Хўранда. «Лагман» деб ёзилган.

Директор. Нима қилибди?

Хўранда. Нима қилибди? Лағмонда «г» эмас, «ғ» бўлади. Ҳатто шуни ҳам ўзгартирмабсан-ку.

Директор. Ҳа, энди биттагина ҳарф экан, ўзгартирармиз.

Хўранда. Қачон?

Директор. Жуда унақа томоқдан олмагин-да, ошна. Бизникни нозик соҳа, ўзбошимчаликни кўтармайди. Юқоридан кўрсатма келиши билан ўзгартирамиз.

Хўранда. Қандай кўрсатма, занғар?! Давлат қонуни чиқариб қўйилди-ку! Яна нима керак сенга?

Директор. Энди, ошна, гап тегиб қолмасин дейманда, қитмир одамлар кўп гап кавлаштиради. Айтяпман-ку, юқоридан кўрсатма келиши билан...

Хўранда. Нима энди шу битта ҳарфни ҳам ўзгартиришга кўрсатма зарурми?

Директор. Ҳой, ҳой, ҳой, унақа оширворма! Секин-аста ҳаммаси ҳам бўлади. Мана рўпарангдаги ошхонанинг ҳам тепасига «Пельменная» деб ёзиб қўйишибди. Олдин ўшалар ўзгартирсин, кейин биз ҳам ҳаракатни бошлаймиз, қараб ўтирмаймиз.

Хўранда. Ҳаммамиз шунақамиз, оғизда кўпирамизу амалда зиғирча жон ачитгимиз келмайди. Бировнинг кўзига ёмон кўринишдан қўрқамиз. Беозор ва ювош қилиб кўрсатамиз ўзимизни. Бироқ бошқалар тер тўкиб бирор хайрли иш қилса, бирор ўзбекча сўз ёки атамани тилимизга жорий этса кўкрагимизга уриб «қойиллатдик, бопладик» деб чиранамиз. Ҳа, тайёрига айёрмиз.

Директор. Гапларинг тўғри, ошна, мана кўрасан, кўрсатма келган куниёқ «г»ни «ғ»га ўзгартираман. «Лаґмон» деб ёзиб қўяман. Кел, энди, кўп сиқилаверма. Озгина маишат қилайлик. Хой, Танзилла, кабобни олиб кел.

Хўранда. (Ўрнидан туради) Сендақа қуён юракнинг кабобини егандан кўра очдан ўлган маъқул. Исмингни ҳам ўзгартир. Шербек эмас, Қуённиса экансан!

Директор. О, аммо ёмон олдинг, ошна, ёмон ғажидинг!

Хўранда. Ғажидинг?! «Ғ»ни айтгани қандай тилинг борди. Сен ғажидинг эмас, токи кўрсатма келмагунча гажидинг деб гапиравер. Ҳа, эҳтиёт бўл, тағин гап тегиб қолмасин.

Зарда билан юриб чиқиб кетади.

Фарҳод МУСАЖОН.

Бугун—Геологлар куни

Республикамиз геология-қидирув ходимлари ўз анъанавий байрамлари — Геологлар кунини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишга одатланишган. 1990 йил баҳори ҳам бундан мустасно бўлмади. Давлат буюртмалари бўйича биринчи квартал плани ортиғи билан уддаланди.

ТАРМОҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Иттифоқ ер бойликлари умумий балансида Ўзбекистон конлари салмоқли ўринни эгаллайди. Жумладан, республикамиз халқ хўжалигининг газ, мис, қўрғошин, рух, олтин, кумуш ва бошқа органик моддаларга бўлган эҳтиёжини қондиришда етакчи регионлардан бири ҳисобланади.

Йирик саноат объектлари ҳисобланган Олмалиқ кимё заводи, Самарқанд суперфосфат заводи, Ангрен кўмир ювиш фабрикаси, Ангрен ГРЭСининг олтин тошқолли чиқиндилари, Тўйтепа марказий бойитиш фабрикаси, Ингичка бойитиш фабрикаси, Ғозғон мармар кони ва бошқа корхоналардаги чиқиндиларни ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги геологлар томонидан изчил ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, улардаги чиқиндилардан асосан у ёки бу қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда самарали фойдаланса бўлар экан. Тармоқ мутахассислари бу борадаги йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни министрлик ва идораларга, корхоналар раҳбарларига юборишди. Бироқ мутасадди ташкилотлар ҳозирга қадар фойдали маслаҳатларга етарлича эътибор беришмаяпти.

Очнғи, қидириб топилган конларни тўлиқ ишга туширишда, айниқса қазиб олинган маҳсулотдан фойдаланишда анчагина камчиликлар мавжуд. Шу туфайли тоғ-тоғ уюлиб ётган хом ашёларни кўпгина конлар ёнида учратиш мумкин.

Масалан, Ангрен кўмир конини олайлик Бу ердаги каолин ва оҳактош бутун кон умумий қимматининг 50 фоизини ташкил этади. Лекин улардан деярли фойдаланилмаяпти. Ҳозир конда кўмирдан ташқари йилига 7—8 миллион тонна каолин қазиб олиниб, атиги 400 тоннаси реализация қилиняпти. 3,5-4 миллион тоннаси йиғиб қўйилса, қолгани бекорга исроф бўляпти.

Яна бир муаммо, Ўзбекистоннинг беқиёс бойлигини ер ости ичимлик сувлари ташкил қилади. Ҳозир ҳар кечакундуз ҳисобида 17 миллион кубометр ичимлик суви топилган. Фақат у исрофгарчилик билан ишлатиляпти. Ичимлик сувини исроф қилиш жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хўжаликларнинг бепарво муносабати натижасида 21 фоиз запас сув ичишга яроқсиз бўлиб қолди. Сув хўжалиги мутасадди ташкилотларининг масъулиятсизлиги туфайли 2 мингдан зиёд қудуққа кранлар ўрнатилмаган.

Ичимлик сув чиқарадиган қудуқларни лойиҳалаш ишлари билан расман Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги давлат комитети, Ўзбекистон ССР Қурилиш давлат комитети, «Ўзбекгеология» бош бошқармаси сингари нуфузли ташкилотлар шуғулланиб келмоқда, Бироқ сувдан тежаб-тергаб фойдаланишда уларнинг жонкуярлиги сезилмаяпти.

Тўғриси, кейинги йилларда республика геология тармоғида қайта қуриш анча жадал боряпти. Тармоқ ташкилотлари ўз олдиларига геология-қидирув ишларини ривожлантириш, бошқаришда иқтисодий жиҳатдан фойдали усулларни жорий қилишни мақсад қилиб қўйишган. Ўтган йили бу борада биринчи қадам ташланди.

Республика геология бош бошқармаси коллективи хўжалик ҳисобининг иккинчи моделига ўтиб ишлай бошлади. Янгича ишлаш ўз натижаларини берди. Барча турдаги фойдали қазилмалар бўйича зиммага олинган давлат буюртмаси ошириб бажарилди. Фойда бўйича план 105,6 фоизга етказилди. Бундан кишиларнинг моддий аҳволи ҳам анча яхшиланди. Ҳар бир меҳнатчининг ўртача ойлик маошига қўшимча 32 сўмдан даромад тўғри келди. Ишлаб чиқаришни ва ижтимоий соҳани ривожлантириш фондига 31,1 миллион сўм ажратилди. Мазкур маблағнинг 11 миллион сўми уй-жой ҳамда маданий-маиший объектлар қуришга сарфланадиган бўлди.

Ўтган йили «Ташкентгеология», «Узбекгеофизика» ишлаб чиқариш-геология бирлашмалари ҳамда «Самарқандгеология»нинг Қашқадарёдаги геология-қидирув экспедицияси коллективлари юқори натижаларга эришдилар. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, СССР Геология министрлиги ҳамда геология-қидирув ходимлари касаба уюшмаси Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Республика тармоғидаги меҳнат беллашувида эса «Самарқандгеология» бирлашмасининг Ғаллаоролдаги қидирув экспедицияси ва Бухородаги ремонт-механика заводи ишчилари топшириқни муваффақиятли уддалаб, «Узбекгеология» бош бошқармасининг кўчма Қизил байроғи ва мукофотлар билан тақдирланишди.

Лекин эндиликда осонлик билан конлар топиш қийинлашиб бормоқда. Негаки, ер юзасида жойлашган очиқ конлар топилиб, фойдаланишга топширилган. Шу туфайли ёпиқ ва ернинг чуқур қатламларидаги конларни қидиришга ўтиляпти. Бу эса ўз навбатида қидирув ишларига кетаётган харажатнинг кескин ошишига олиб келади.

Ўтган йилларда ихтисослашган илмий-ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланган геология тармоғи турли хил асоссиз қайта тузишларга дуч келди. СССР Геология министрлиги Иттифоқ-республика ташкилотидан Бутуниттифоқ ташкилотига айлантирилди. Тугатилган Ўзбекистон ССР Геология министрлиги базасида дастлаб Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, кейинчалик эса «Ўзбекгеология» мувофиқлаштирилган геология бош бошқармаси ташкил қилинди. Бундай ўзгартиришларнинг ҳаммаси геология-қидирув ишларининг самарадорлигини тўла таъминлай олмади, ягона геологик ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришга кўмаклашмади.

Давлат бюджети ажратмалари шароитида фаолият кўрсатаётган геология ташкилотлари иш тажрибаси шуни кўрсатдики, республика министрлигини қисқартириш бевақт бўлганлиги тармоққа фойда бермади. Ишлаб чиқариш ташкилотларида хўжалик ҳисобини ривожлантириш планлаштиришни, нархлар ва моддий-техника тармоғини ўзгартириш билан бирга олиб борилмаганлиги ишнинг белига тепди. Халқ хўжалигини қидириб топилган хом ашё запаслари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида регион территориясида комплекс тарзда геологик изланишлар олиб бориш вазифаси амалдаги қонунлар билан мустаҳкамланмади.

Геологик тармоқ бошқарувининг ҳозирги системаси КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1989 йил) Пленумида қабул қилинган миллатлараро муносабатлар тўғрисидаги Ҳаракат дастурига, аниқроғи, ер бойликлари республиканинг ўз мулки эканлиги таъкидланган қисмига мутлақо тўғри келмайди. Регион хўжалик ҳисоби шароитида ер-сувдан ташқари бутун бошқа бойликлар, шу жумладан ёқилғи ва минерал ресурслар ҳам республиканинг ажралмас, дахлсиз мулки бўлиб қолиши керак.

Кўпгина меҳнат коллективлари тармоқдаги ноаниқликлардан ташвишга тушиб, Ўзбекистон ССР Олий Советига, республика ҳукуматига Ўзбекистон Геология министрлигини қайтадан тиклашни сўраб мурожаат қилишяпти.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон ер ости бойликларини реализация қилишдан, айниқса қимматбаҳо металлар, стратегик аҳамиятга эга хом ашёларни сотишдан деярли умуман наф кўраётгани йўқ. Бизнингча, иқтисодий мустақиллик талабларига жавоб бермайдиган бундай ижтимоий адолатсизлик тугатилмоғи, республика фойданинг анчагина қисмини ўзида қолдирмоғи лозим.

1990 йилда беш йиллик натижалари сарҳисоб қилинади. Хуллас, беш йилликнинг сўнгги йилини меҳнатда янги муваффақиятлар билан якунлайдилар.

Т. ШОЕҚУБОВ,
Ўзбекистон геология бош бошқармаси бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ЭЗГУЛИК

Қашқадарё вилоятида халқимизнинг маънавий бойликларини авайлаб асраш ва уларни ривожлантириш йўлида қатор хайрли тадбирлар амалга оширилаётир. Область маданият бошқармаси ходимлари қатор кўргазмалар ташкил этишяпти. Уларда миллий санъатимиз намуналари — сополдан ишланган буюмлар, ёғоч ва ганч ўймакорлиги намуналари намойиш қилинмоқда.

Яқинда М. Тошмуҳамедов номли область музикали-драма ва комедия театри биносида қашқадарёлик мусаввирлар асарлари кўргазмаси очилди. Шубҳасиз, бу кўргазма эзгулик йўлида қўйилган яна бир қадамдир.

Суратда: кўргазма залида. Намойиш этилаётган асарлар зўр ҳаяжон билан томоша қилинади.

Ш. ШАРОПОВ сурати (ЎзТАГ).

• Бу—қизиқ

ЭСКИ АВТОПОКРИШКАЛАР ФОЙДАСИ

Малайзия ҳукумати, деб хабар қилади Куала—Лумпурдан АП ахборот агентлиги, Японияндан бир неча миллион дона... яроқсиз автомобиль покришкаларини сотиб олмоқчи. Бундай ғалати ният муайян иқтисодий манфаатлардан келиб чиқди.

Гап шундаки, маъмурлар ишлаб чиққан лойиҳага кўра, мазкур резина буюмларни мамлакатга туташ денгиз соҳили яқинида сувга чўктириб, улардан сунъий тўсиқлар бунёд этиш режалаштирилмоқда. Малайзия экспертларининг фикрича, бундай тадбирлар ёрдамида балиқлар кўпайиши учун қулайроқ шароитлар яратилади, демак балиқ ови ҳам баракалироқ бўлади.

Малайзия қишлоқ хўжалик министри Сануси Жунид «Нью санди таймс» газетасига лойиҳани амалга ошириш учун 42 миллион дона автопокришка керак бўлишини айтди. Бироқ Малайзиянинг ўзида «атиги» 1,4 миллион дона ана шундай автопокришка тўпланди, холос.

Диққат:

Сим орқали мулоқот

Ўзбекистон ички ишлар органлари кўп қиррали фаолиятининг барча соҳаларига демократия ва ошкоралик тобора кенгроқ кириб бормоқда. Яқин-яқинларгача мутлақо махфий тутилган идора ишларига жамоатчиликнинг қизиқиши ҳам ортмоқда. Бу қизиқишнинг сабабини тушунса бўлади. Чунки ҳаётимизда у ёки бу масала юзасидан милиция ходимларига дуч келамиз. Кимдир чет элга бориши керак, кимнингдир уйига ўғри тушган, кимнидир безорилар ҳафа қилишган, кимгадир ички ликбез қўшнилар бемалол ҳордиқ олишига халақит беряпти... Милиция фаолиятининг барча турларини санаб адо этиб бўлмайди. Ҳамма ерда осойишталик ҳукм суряпти, дейиш мумкин эмас. Милициянинг участка инспектори, автоинспекция хизмати, жиноий қидирув, социалистик мулкнинг ўғирланишига қарши кураш бўлими (БХСС) ишидан қониқмаётганлар ҳам кўп.

Шунинг учун Ички ишлар министрлигида аҳолини ҳаяжонлантираётган барча масалалар бўйича тўғридан-тўғри мулоқот қилишга қарор қилинди. Ана шу мақсадда шу йил 4 апрель куни соат 10.00 дан 13.00 га қадар телефон орқали алоқа қилинади. Сизнинг хабар ва саволларингизни қуйидаги ўртоқлар тинглаб, унга жавоб қайтаришади.

Ички ишлар идораларининг ходимлари, ишга қабул масаласи бўйича министр ўринбосари **Х. М. МАМАТОВ. ТЕЛЕФОН — 39-73-52.**

Тарбиявий ишлар соҳаси бўйича министр ўринбосари **Е. В УСПЕНСКИЙ. ТЕЛЕФОН — 39-74-63.**

Енгинларнинг олдини олиш, мол-мулкни, давлат объектларини, гражданлар квартираларини қўриқлаш хизмати бўйича министр ўринбосари **Ғ. Р. РАҲИМОВ. ТЕЛЕФОН — 39-74-62.**

БХСС бошқармаси бошлиғи **С. А. ТАХТИН. ТЕЛЕФОН — 33-64-37.**

Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи **З. С. НАЖМИТДИНОВ. ТЕЛЕФОН — 33-64-02.**

Сиёсий бошқарма бошлиғи ўринбосари **М. П. ИВАНОВ. ТЕЛЕФОН — 33-64-22.**

Бу тадбир Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан ҳамкорликда жадал асосда ўтказилмоқда.

Мулоқот давомида тушган саволлар ва берилган жавоблар умумлаштирилгандан сўнг адабий таҳлил қилиниб, республика газеталарида эълон қилинади. Тайёрланаётган ва содир этилган жиноятлар ҳақида ахборот берган гражданларнинг исм-фамилиялари кўрсатилмайди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги матбуот бюроси (телефон 56-36-09).

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«БУЛАР ИКИР-ЧИКИР ЭМАС»

Газетамизнинг шу йил 12 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳа остидаги танқидий мақолада авария натижасида одам ўлган бўлсада, тергов органлари ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида жиноят фош этилмаганлиги танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан УЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИДАН расмий жавоб олинди. Қуйида ана шу жавобни эътиборингизга ҳавола этамиз:

Ўқувчи М. Раҳимовнинг ҳалок бўлишига сабабчи бўлган ҳайдовчи С. Қурбоновнинг жиноий жавобгарликка тортилмагани ҳақидаги мақолада келтирилган фактлар қайта ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, 1987 йил 11 июль куни тахминан соат ўн икки яримларда ҳайдовчи С. Қурбонов ўзи бошқараётган машинада Навоий районидаги «Қизил Октябрь» колхози территориясида М. Раҳимовни босиб кетади. Натижада йўловчи ҳалок бўлади.

Ана шу факт бўйича Навоий район ички ишлар бўлими терговчиси Б. Турсунов жиноий иш қўзғатди. Воқеани текшириш давомида ҳайдовчи гуноҳкор эмас, деб топилиб бир неча маротаба жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилади. Тергов тўлиқ эмаслиги ва унда камчиликлар борлиги туфайли қарорлар рад этилди.

Қўшимча тергов ўтказиш бошқа терговчиларга топширилди. Чунончи, мазкур иш турли даврларда Навоий район ички ишлар бўлими терговчиси Э. Эшонқулов, Навбаҳор район ички ишлар бўлими терговчиси Н. Қодиров томонидан кўриб чиқилди. Сўнгги марта 1989 йил 20 июнда Н. Қодиров ҳам ҳайдовчини гуноҳсиз, деб қарор чиқарди.

Мазкур иш билан боғлиқ материалларни ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, тўғри қарор қабул қилиш учун тергов давомида ҳамма жиҳатлар тўлиқ ўрганилмаган. Шу муносабат билан терговчининг ишни тўхтатиш ҳақидаги қарори Бухоро область прокуратураси томонидан асоссиз, деб топилди.

Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғига алоҳида топшириқ сифатида ишни Қизилтепа район ички ишлар бўлимига ўтказиш ва терговнинг бориши устидан идоравий назорат ўрнатиш ва унинг ҳар тарафлама ҳаққоний бўлишини таъминлаш топширилди. Терговнинг бориши устидан прокурор назорати ўрнатилди.

Р — 02203. № 77. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12